

Кеча Лондонда совет гросс-мейстерлари Гарри Каспаров ва Анатолий Карпов ўртасидаги реванш матчининг ўиниchi партияси ўйналди. Бу сафар чемпиони фарзинга битириб, устулни танлади. Ўйин кечиктирилди. У бугун давом эттирилади. Ҳозирча 5:4 ҳисобида Гарри Каспаров олдинда бормоқда.



А. БУРЮНОВ.

лари мумкин: лекин инвалид-
ларга бундай иш мединица
таъсиялари билан таъқиллан-
маган бўлиши лозим.

Хар бир ҳодим томонидан
ва умуман корхона доирасида
бажарилган бундай ишларни
ҳисобга олиш жозасидан маъ-
сус тартиб, шунингдек, улар
ҳақида давлат ҳисобот ҳуж-
жати мавжуд: Иш вақтидан
ташқари бажариладиган иш-
ларни отгул билан компенса-
ция қилиш мумкин эмас.

Қонуний асослар бўлмай ту-
риб, белгиланган тартибни
бузган ҳолда иш вақтидан
ташқари бажариладиган иш-
ларга йўл қўйган айбдорлар
жавобгарликка тортиладилар.

А. ҲАСАНОВ,
«Тошкент оқшоми» ва «Ве-
черний Ташкент» газетала-
ри жамоатчилик редакция-
сининг юрист-консультанти.



Турмуш чорраҳаларида

ЎЙЛАМАЙ СЎЗЛАШ—ЁМОН ОДАТ

Қўшимиз Ойинса хола фарзандини уйлантириш учун тўй тарадудини бошлаб юборди. Ҳовлис торлиги туфайли олма дарахтларининг қуриган шох-шабдаларини олиб ташлаб, ихчамлаштириш учун ўғли Салимжон қўлига аррача олиб шохни кесётган пайтда, тасодифан дарахтдан йиқилиб тушиб ўнг қўли лат еди. Шу кунини врач-травматолог кўриб Салимжоннинг қўлига дори-дармон қилиб, гипслаб қўйди.

Эртаси куни келин бўлиш Дилдорахонга нияҳ узути олиш учун Салимжон машинага ўлтириб келини-

нига борди (Дилдорахон Салимжоннинг яқин оғайини билан келишини билар эди). Югуриб эшик олдида келган Дилдора Салимжоннинг қўлини бинт билан боғланганлигини кўриб:

— Ҳа, Салим ака, тинчликми? Безорилар билан уришдингизми? Қўлингиз чўлоқ бўлибди-ку, шу аҳволда эшигимизга келасизми? Қўшинлар сизни кўриб кўриб Салимжоннинг қўлига дори-дармон қилиб, гипслаб қўйди.

ди ва заҳархандилик билан эшикни тарс ёпиб ичкарига кириб кетди.

Салимжон тасодифан йиқилганини айтган эди. Аммо Дилдоранинг гапидан сўнг қўлиги дарз кетди. Салимжон оғайини олдида ҳайкалдек қотиб қолди. Дилдора парво қилмагандек уйига кириб кетганча чикмади. Ма-на, келин бўлиш қўзининг бошланғич хулқ-атвори!

Салимжон онаси Ойинса хола олдида хомуш аҳволда кириб борди. Воқеани қисқача сўзлаб:

— Онажоним, бахт арқо-ни боғланмай узилди, тилим

яраси бўлса кетарди, аммо на чора, дилим яраси асло кетмайди, — деди.

Ҳа, азизлар! Ешлар ўрта-сида ўйламай-нетмай айтил-ган «бурро сўз» шундай оғир, кўнгилсиз оқибатларга олиб борар экан. Бунинг ҳамма ан-лаб етиши керак. Шунинг учун донишмандларимиз «Олдин ўйла, кейин сўйла», деганлар. Бунга барча ёшлар амал қилишлари керак.

Шарифа ҚУШОҚОВА.
Низомий номидаги Тош-кент Давлат педагогика ин-ститути катта ўқитувчиси.
Ўзбекистон ССР халқ ма-орифи алочиси.

Янги шеърлар

● Абдулхай Носиров 1946 йили Тошкентда ту-ғилган. «Қўзғу», «Уруғлар», «Улоқ» сингари шеъ-рий тўпламларнинг муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. Ҳозир Ўзбекистон радиоси ада-бий-драматик эшиттиришлар редакциясида редак-тор бўлиб ишламоқда.

ХОВУЧИМ ОЧИБ КУНГА

Мен тунлари қўшиқларга айланаман ёғдули
Ва тунлари ёритаман
кувончи ҳам қайғули.

Қоялардан тушиб келган
жилғалардай шошаман,
Боғларини учиб елган
шамоллардай кучаман.

Адилларнинг қучоғида
чопаётган сўзларим
Тутиб кўзу қучоғида
бўса-босиб бўзлағим.

Шовуллаган бугдойзорлар
бошоғида нияҳи ё
Жажжи-жажжи қўшларим
кўтаргани бебаҳо.

Қўшиғим, қонимдан яралиб аввал,
Учирма бўлган, ҳей, оташ қўшларим —
Учинг, қайтмас бўлиб учинг тез, жадал,
Ейилиб кетгандай тонгги тушларим.

Ховучим очиб кунга
Нурлар ушладим.
Қанот ёниб ва тонгда
Уча бошладим.
Юрагимда тошиб куч,
Юрак шеърини —
Ичайин ховуч-ховуч
Кўш нурини.
Гулдирақдай гулдираб,
Дилдан қувиб гаш —
Томшиқдан гуриллаб
Югурсин оташ.

Шодлик бўлиб порлади осмон,
Камаллар отиб ранго-ранг.
Қабутларлар — ишқ чакмоқ, тугён
Қанотидан сочди жаранг.
Қўзларининг порлатиб осмон

Чаноқлардан тошиб чикқан
шалолани, оқ дола,
Чироқларга айланган ё
ҳароратим, йўқ нола...

Далаларда чарх айлаган
юрагимни, дочиним,
Тонгларимдай ёниб чикқан
шеърларим у Барқиним,

Бўронлардан олганм бу —
бу бўронли қанотда
Жамбул янглир юртим бўйлаб
еладирман ғиротда.

Мен тунлари қўшиқларга
айланаман ёғдули...

Қўшиғим, қайғусини аритганларга,
Ораусин қанотлаб, дард бериб хурсанд —
Одамлар йўлини ёритганларга
Қўёш айвонидан берилгай маскан.

Шоир қўнғилим яшариб бу тонг,
Қўзларимда чақнаб муҳаббат —
Муъжизалар излади шоён,
Эртақлардан топиб саховат.
Хаёлларим ойдинда оқиб,
Юлдузлардек нурланиб қалбим —
Алоқидин чироғи ёниб,
Алтомшига айланиб қолдим.

Орузларим куча бошлади.
Қабутларлар — оташ, сурур, шон
Қўзларимда куча бошлади.

Абдулхай НОСИРОВ.

Дам олиш масканлари

НАВОЛИ СОЙ ТАРОНАСИ

Ёз ва куз фаслларида ўл-камизнинг хушманзара жой-ларида яхши ҳордиқ чиқариб, кўнглини дам олиш учун ажойиб оромгоҳлар қў-чоқ очиб туради. Пойтахт об-ластининг Бўстонлиқ районидаги тоғ қишлоқлари сўлим манзараси, тоза ҳаво-си, кавсар сувлари, ширин-шарбат мевалари, айниқса хушбўйимли қўш нурларининг жилваси билан киши-ларни ўзига мафтун этади.

Атроф-теварганини сало-батли тоғлар, пувиқор чўқ-қилар ўраб олган Бўстонлиқ дам олиш зонасининг Чор-воқ, Чимён, Хумсон, Ойи-роҳмат, Хўжакеңт, Бурҷул-ла, Нанай, Богистон қиш-лоқлари, Сижак ва унинг ён-веридида шарқирама сой-лар ҳордиқ чиқарувчиларга ўт-ўсимликларни, манзарали ва ранго-ранг мевали дов-дарахтлари, сайроқи қўш-ларни, денгиз соҳилларининг қўёқда товланиши билан завқ-шавқ бағишлайди.

Тоғлар оралаб бир неча сойлардан ва паст-баланд чўққилардан ёнлаб ўтиб Сижакки қишлоғига келинса, бу ердан Чорвоқ денгизга кўч-кўч бағрини ёзиб ёт-гани кўрилади. Ўнг томондаги Қаржонтоғ тоғлари эгатида

зиллоқ сувларини денгизга қуяётган сойлар беҳи-ратли мафтун этади. Сижакки сойдан беш километр ўтгач, чап томон-да энг хушхаво ва ям-яшил дарахтлар билан қопланган Наволи сойга келинади.

Наволи сой ўз номига мос сой бўлиб, унинг кўм-кўк соҳилидаги хибонларида дам олиб ўтирган одам худ-ди куй тинглаётгандек шир-рин ҳисларга тўлади, топ-тоза яряқроқ тошлардан-тошларга урилиб, чайқалиб, тўқилганиб оқаётган сув куй чалиб, тоғлар аро наво таратади. Табиатнинг ана шу сеҳрли куйига ҳамоҳанг бўлиб, яшиллик олами ичра минглаб қўшлар дилфигон сайрайдилар. Саррин шаб-бодларнинг атрофдаги дов-дарахтлар билан «сўзла-шуш» ҳам оҳангга айланиб, сув навоси ва қўшлар ово-зига жўр бўлиб кетди-да, сўлим Наволи сойни «кон-церт» боғига айлантириб юборади.

Қўёш чарақлаши, яшил-лик оламининг яшнаши, сой сувларининг раиси, парран-да-даррандаларининг навоси — ҳаммаси дилини қувнатиб, одам асаб иллариини силаб-сипалайди. Наволи сой со-

ҳилидан чўққиларгача кўта-рилиб кетган дов-дарахт-ларнинг хилларини санаб санаётганга етиб бўлмайди: тоғолча, бодом, pista, тоғ-олма, жийдаларнинг ҳосил-дан шохлари эгилган. Минг турли ниҳол-буталар турфа рангли гулларини кўз-қўз қиладди. Ҳаммаёқдан тоғнинг ажойиб ўсимликлари — кийик ўт, тоғ райхон, гулхайри ка-би майса-ўтларнинг хуш-иси таралиб, ҳаммаёқни му-аттарлиб тўтиб кетади.

Наволи сой суви тоғлар-дан ҳозиргина қўёш нурини эмиб, тошдан-тошга ури-либ пишиб келаётганини учун ундан ичган одам ҳузур қиладди, шар-бат сийиргандек танаси яй-раб кетади. Соҳил бўйлаб саёҳат қилинса минг турли ўт-ўсимликлар, мевали да-рахтлар, ажойиб бута-гуллар, сайроқи қўшлару, ҳар хил ҳайвонот олами билан тани-шилади, табиатнинг бебаҳо неъматларидан баҳра оли-нади.

Саёҳат-роҳат, деганлари-дек, меҳнат отпускиси пай-тида, шанба ва яшнба кунлари ана шундай гузал масканлар бағрида бўлиш ҳам яхши дам беради, ҳам оца диёримиз табиатига му-

ҳаббатимизни опиради. Сиз-ни сўлим масканлар дам олишингиз учун бағри-ку-чоғин очиб кутади, азиз

ҳаббатимизни опиради. Сиз-ни сўлим масканлар дам олишингиз учун бағри-ку-чоғин очиб кутади, азиз


ҳаббатимизни опиради. Сиз-ни сўлим масканлар дам олишингиз учун бағри-ку-чоғин очиб кутади, азиз



ҳамшаҳарлар!
Т. РАСУЛЕВ.
СУРАТДА: Наволи сой-нинг хушманзара соҳиллари.

Бош пландан бир лавҳа

Эски шаҳар истиқболи



Эски шаҳардаги Сағбон, Ҳамза, Форобий каби кўча-лардан ўтсангиз, бирорта дов-дарахтга кўнглингиз туш-майди. Балки бир пайтлар йўл чеккаларида ариқлар бўлгандир, дарахтлар кўча-га соя ташлаб тургандир. Вақт ўтиши билан кўчалар торлиқ қилиб, ариқлар кў-милиб, дарахтлар кесиб ташланган бўлса ажаб эмас. Айрим меъморий ва тарихий аҳамиятга молик бино-лар ҳам пугурдан кетиб, пахса деворли уйлар ораси-да кўринмай қолган. Шунга қарамай, Эски шаҳарнинг ўзига хос тақдорланмас қиё-фаси бор.

Шаҳарни қайта қуриш жараёнида ўзимиз кўниқиб қолган, қўллаб туришлар-нинг нигоҳини тортаётган ана шу қиёфани сақлаб қо-лиш мумкинми, деган савол кўпчиликини қизиқтираётган эди. Бу масала ижобий ҳал этилиб, Эски шаҳар қиёфаси сақлаб қолинадиган бўл-ди.

Ҳозирги пайтда амалга

ошириладиган ишларнинг ял-пи планлаштириш режаси ишлаб чиқилди. Лойиҳалаш ишларини «Ташхиротгор» лойиҳа институтининг 7-ус-тахонаси мутахассислари ба-жаришлпти.


Албатта, бу ердаги пугур-дан кетган эски пахса де-ворли уйлар сақланиб қол-дирилмайди. Кўчалар, ме-морий ва тарихий аҳамиятга эга бинолар қолдирилди ва реконструкция қилинади. Кў-ча четларига маданий-маи-ший бинолар, магазинлар миллий услубда қурилади. Кўчаларнинг номилири ҳам сақланиб қолади ва замона-вий микрорайонларга бориш учун хизмат қилади. Кўча четидида уйларнинг ортида эса 9, 12, 16 қаватли уйлар қурилади. Шуниси ҳам. Бор-ни, микрорайон ичкарасига қирилган сари-биноларнинг баландлиги ортиб боради. Масалан, кўча чеккасида 1 ёки 2 қаватли маданий-маи-ший объект бор дейлик.

Унинг ортида тўққиз қават-ли иморат қурилиши мум-кин. Ундан кейинроқ эса 16

қаватли бино қад қўтаради. Лойиҳачилар ана бир на-рсатга эътибор беришлпти. Юқориди айтганимиздек, Э-ски шаҳардаги кўчаларда ҳо-зирги пайтда дов-дарахтлар деярли қолмаган. А. С. Пуш-кин номи маданият ва ис-тироҳат боғидан бошқа дам олиш жойи ҳам йўқ. Шу са-бабли архитекторлар дам олиш зоналарини барпо этиш ҳақида ҳам ўйлашлпти. Чор-су, Калковуз ариқларининг бўйларини ана шундай ҳор-диқ масканларига айланти-риш кўзда тутиляпти. Айни пайтда янги мактаблар, бо-залар боғчалари, бошқа ўқув-тарбия комплекслари янгиланаётган Эски шаҳар аҳолиси хизматига бўлади.

Эски шаҳарни қайта ёшарттириш бўйича лойиҳа ишларини «Ташхиротгор» лойиҳа институтининг лойиҳа бош архитектори Т. С. Григорьянц бошчилигидаги ар-хитекторлар яратишмоқда.

СУРАТДА: Ҳамза кўчаси-нинг бутуғи ва эртанги кў-риниши.



Болалар сўзлаганда

ЮГУРИШАДИ

Уйинчоқлар магазинида да-даси Қозимжондан сўради:
— Сенга қандай машина олиб берай?

— Ахлат ташийдиганидан.
— Нима учун?
— Ҳар кун эрталаб вақтли кўчмаздан унинг сигнални тўхтатмасдан кетма-кет чал-сам, ҳамма уйдан тоғора,

челакларини кўтариб чиқиб, менга қараб югуришлди...

БЕЛГИ-ҲАРФ

Эндигина ҳарфларни ўргана-ётган кичкинтой сўради...

— Мана бу қандай ҳарф?
— Болажоним, бу ҳарф эмас, айриш белгиси, — де-ди онаси.
— Унда қўйиш белгиси қай-си ҳарф бўлади.

ҚОРАҚУМ

Уқитувачи:
— «Қорақум» ҳақида билган-ларингни сўзлаб бер.

Уқувчи:
— «Қорақум» жуда мазали шоколад. У Тошкентдаги «Ўр-тоқ» фабрикасида ишлаб чи-қарилади.

Ф. ОРИПОВ.

Келинг, бир қулишайлик

АРАБ ХАНДАЛАРИ

ҚАНАҚА ДАРАХТИ

Қишлоқ хўжалиги институтининг бир студенти меваларни кўрган келиб, бир дарахтнинг олдида тўхтаб бонбонга деди:
— Бу дарахт қаранг... Ҳеч ҳам олма қилмайдигу!

— Ҳа, тўғри, аммо бу олма эмас, апельсин дарахти.

КАЛТАФАҲМИЛИ

Бир дўст иккинчисига деди:
— Фараз қилайлик, эшак кенг дарё бўйида турибди, бирок дарёнинг нариги томо-нида яхши ўтлоқ жой бор, аммо ўтиш учун кўприк йўқ, шунда нима қилади!

Иккинчиси [бироз ўйлаб]:
— Билмадим, — деди.
Биринчиси деди:
— Эшак ҳам нима қилишни билмайдигу.

БИРОДАРЛИК МУҲАБАТИ

Бир дўст иккинчисига деди:
— Агар эшакнинг эгаси уни ураётганини кўриб, уни тўт-татсам, бу қандай фазилат бў-лади!

Иккинчиси: — Биродарлик муҳаббати.

ҚАЙТИШ

Бир кекса бемор тез-тез

доктор қабулга кексалик дардини даволатиш учун келиб турар экан, охириги марта док-тор унга:

— Сизга чет элдан келган янги дорини тавсия қиламан, — деди.

— Фойда берадими!
— Фойда беради, жуда куч-ли дори, ўн йилга ёшартира-ди...

Касал бир оз ўйлаб деди:
— Ўн йилга ёшарсам бошқа вазифани талаб қиламан.

ЭҶТИЁТКОРЛИК

Бир савдогар санат музе-йига бориб, айланиб юриб бир аёлнинг ҳайкалин кўриб қол-ди-да, уни сотиб ололмоқчи бўл-ди ва кўргазма мудирига му-рожаат қилди:

— Бу ҳайкалдаги аёл тур-мушдами?

Мудир жилмайиб жавоб қилди.
— Ҳа... албатта турмушга чиққан.

— Яхши, агар мен ҳайкални сотиб олсам, унинг эри мен-дан хафа бўлмайдики!

Арабчадан ТОШМЕТОВ таржимаси.

ТУРСОЯ ОЛАМ

ЖУЖА БИЛАН УҚЛАНМОҚДА

Замбаракларнинг снаряд-лар билан ўқиланиш барчага аён. Аммо Теннесси [АҚШ] штатидидаги машқ майдониди ана шу замбараклардан анти-қа тажриба ўтказишда фойда-ланишлпти. Бу ерда замбарак-лардан одатдаги снарядлар эмас, балки жужа гўшларни отилмоқда. Икки килограммли бу «снарядлар» соатига 1100 километр тезликда ҳаракатсиз нишон —самолётлар танасига бориб урилмоқда. Самолётлар-нинг парвози ва қўйиши пай-тида тирик қўшлар билан тўқ-нашув оқибатда вужудга ке-ладиган ҳавф ва зарар бу тажриба орқали аниқланмоқ-да. Мазкур тажрибанинг мақ-сади —ҳимоя восителарини ишлаб чиқиш ва материаллар-нинг чидамлилигини синаш-дир.



«КАТТА САФАРБАРЛИК»

Нигериянинг пойтахти — Лагос Африка қитъасида сер-шовин ва саришасиз шаҳар-лардан бири сифатида «шўҳ-рат» топган. Яқинда ҳукумат ва шаҳар муниципалитети Ла-госни саришта ва ораста қи-лиш учун катта сафарбарлик бошлади. Полиция кўчаларда ҳаракат қилиш учун фақат мамотчилик транспортига рухсат берди. Уам бўлса, гошда чекланган миқдорда эди. Аэропорт маҳаллий ли-ниялардаги самолётларга хизмат қилмади, шаҳар мар-казидидаги магазинлар ёпиб қўйилди, ҳатто тўйлар кел-гуси кунга қўчқирди. Аҳоли ёлпасига ҳашарга чиқди. Улар ариқ-зоуруларни тозалашди, кўчаларни сўпуриб-сидириб ораста қилишди. Ҳукумат бу табдир бундан бун ҳар ойлик воқеага айланишни маълум қилди. Унда ишхон эшитдан бош тортганлар жазоланди.

ТАБИАТ МУЪЖИЗАЛАРИ

Одатда, кўпчилик гаройиб табиат муъжизаларини фа-қат оқсиз экзотик мамлакат-лардагина учратиш мумкин дейишлди. Бирок, Европанинг ривожланган саноат давлатла-рида ҳам фавқуллоддаги муъ-жизаларга дуч келиш мумкин экан. Чунончи, Габрий Герма-ниянинг Намеди шаҳрида олмилар ўқтин-ўқтин отилиб турувчи иссиқ булоқ сингари ҳар тўрт соатда суви 40 метр баландликка кўтариладиган табиатнинг жумбоқли ҳодиса-си устда кузатиш ишларини олиб бормоқдалар. Сарчаси-ма марказида сув денгиз сатҳидан 50 метр пастда экан.

ЧИВИНЛАР «ЖАЗОСИ»

Райхон шифобахш ўсимлик сифатида медицинда қадим-дан фойдаланиб келинади. Бирок, Франциянинг Прованс қишлоғида бу ўсимлик кўп йиллардан бери ёш гўдаклар учун «энага» вазифасини ба-жариб келмоқда. Халқ нақли-га кўра, райхон кичкинтойлар уйисини пайтида уларни безов-та қилмас эмиш. Райхонли тувак мавжуд бўлган хонада гўдак чивиллар аини гўжон-уянаган пайтда ҳам бемалол ухлashi мумкин. Бунинг боиси, мазкур ўсимлик қанарадиган эди чивилларга «хушбўймас» экан. Провансда болаларни зарарли ҳашаротдан шундай усулда ҳимоя қилишар экан.



ДИМ-ДИМЧИЛАР РЕКОРДИ

Индонезиянинг Сомаранга шаҳрида 28 киши мушпақо ҳа-ракатламаслик ва индямаслик бўйича рекордди забт этишга эҳд қилишди. Мажжуд рекорд эса 13 соат «сукут» сақлагани бир неча англияликка тааллуқ-лидир. Индонезиянинг Анта-ра агентлиги хабар беришча мазкур рекордди «забт» этиш-га индямасларнинг биринчи фестивали дорисида кири-шилган. Фестивал чоғида энг баланд ва давомли қаҳ-қаҳа отиш, йиллаш ҳўштак чалиш ва ...тиббеламалик қилиш бўйича мушбақалар бўлади. Ғолиб-ларга мукофот топириш кўз-да тутилган. Энг эр «сукут» сақловчига 500 доллар муко-фот берилади.



Футбол. Биринчи лига

МУХЛИСЛАР ҚУВОНИШМАДИ

Бу йил «Пахтакор» футбол командаси ташкил этилганга 30 йил тўлиди. Шу давр давомида коллектив «Б» класс, иккинчи, биринчи ва олий лигада мингдан ортиқ учрашув ўтказди. Футболчиларнинг бир неча авлоди ана шу мусобақаларда иштирок этди.

«Пахтакор»нинг бир лигадан иккинчигача сақаб юришининг асосий сабабларидан бири команда химоя чизигининг бўлишидир. Шу сабабли коллектив аъзолари ўйинда биринчи бўлиб тўп киритишга, ҳужумни янада кучайтириш ўрнига, тўпни бир-бирларига ошириш, уни дарвозабонга етказиб беришга, бир сўз билан айтганда ҳисобни сақлаб қолтишга ҳаракат қиладилар. Бу рақиб команди вакиллари ташаббусни бу-

тунлай қўлга олишларига имкон яратди.

Бундан бир неча йил муқаддам «Пахтакор» ўз майдонда Москва темирўлчи-ларини қабул қилиб, 4:0 ҳисобида олдинда бораётган, йирик ҳисобдан меҳмонлар тамоман доғдираб қолтирган эди. Ана шундай вазиятда пахтакорчилар ўйин суръатини янада ошириш ўрнига, эски «касаллари» қўзғаб, ҳисобни ўшлаб қолтиш тараф-ларини кўришди. Майдон марказида тўла устунликка эришган «Локомотив» пахтакорчилар дарвозасига би-рин-кетини тўртта тўп кирит-ди. «Пахтакор» мухлислари стадиондан ранжиб кетиш-ди.

«Пахтакор»нинг ҳозирги состави ҳам бу касалликдан қутилгани йўқ. «Нотайн» билан бўлган ўйинда, ҳисоб

2:1 бўлгандан сўнг команда мухлислари юракларини ҳовучлаб ўтиришди, чунки «Пахтакор» бутунлай ҳимоя-га ўтиб олган эди.

Ботуми динамочилари билан бўлган учрашувда ҳам иккинчи бўлим бошларида ҳужумчи С. Разамазов ҳисобни очгандан сўнг, мух-лислар ғашига тегалганди, яна ўша тактика қўлланди. Майдон маркази тамоман меҳмонларга бериб қўйилди, улар ҳужумни шундай кучайтиришди, пахтакорчи-лар эсанқираб қолди. Ди-намочилардан Э. Какабадзе, А. Гориладзе, М. Майсу-радзелар бир неча марта қўлай вазиятларга чиқишди. Фақат А. Яновскийнинг ма-жорати тўғрисида дарвоза-даҳлсиз сақлаб қолди. Дарвозабон ишониб яқин масофадан тўп тепишга им-

коният яратиб бериш оқиба-ти хунук бўлишини наҳотки пахтакорчилар билишмаса?! Бу сафар пахтакорчилардан А. Микляев ва О. Синелов-лар айниқса бўш ўйнашди, уларнинг қўллаб-хоталари пахтакорчиларни қийин аҳ-волга солиб қўйди.

Марказий ҳужумчи С. Бауэр «Старт» (Тошкент) ҳамда «Соҳибқир» (Халқо-қ) командаларида ўйнаган вақтида ўзининг меҳнатче-варлиги, тўпни эгаллаб олиш учун дадил ҳаракат қилиши, ҳимочилар билан мардона-вор кураш олиб бориши, турли масофадан турб дар-возани ўққа тутиши билан командасидашларидан ажралиб турарди. Унинг ана шу ҳис-латлари «Пахтакор» состави-даги ўйинларда ҳам намоён бўлмоқда. С. Бауэр учрашув-нинг сўнгги минутларида В.

Постнов томонидан ошириб берилган тўпни меҳмонлар дарвозасига аниқ йўллади. Сергей кейинги беш ўйинда беш марта тўп киритди. Бу жуда яхши натижа.

«Пахтакор» Ботуми дина-мочиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ўз о-қоларини 31 тага етказди. Лекин бу ғалаба мухлис-ларни хурсанд қилмади. Коман-да аъзолари майдонда жасо-рат кўрсатиб, мардонавор ҳаракат қилишлари керак. Ана шунда коллектив турнир жадалви бўйлаб юқорига кў-тарилиши мумкин.

Пахтакорчилар навбатда-ги икки учрашувни сафарда — Смоленск ва Ярославль шаҳарларида ўтказишди.

А. ИМОНХУЖАЕВ, «Тошкент оқшомини» футбол шарҳчиси.

«Пахтакор» ҳақида 23 фикр

Валерия ЧХАРТИШВИЛИ «Динамо» (Ботуми) командасининг катта тренери, спорт мастери, Грузия ССР да хизмат кўрсатган тренер.

— Дундабда бўлгани сингари йигитларимиз май-донда тезкор ҳаракат қилма-ганликлари учун мағлубият-га учрашди. Тўғриси айт-ганда чиройли комбинация-лар ишлатиш, уларни самар-рали қўллаш команданимизга хос ҳислат. Ўйин қўшуш-ганда бундай комбинация-ларнинг самараси бўлмайди. Бу сафар ҳам йигитларимиз техник ва тактик жиҳатдан кўп хатоларга йўл қўйишди.

Тошкентликлар ҳимода-да ҳужумда яхши ҳаракат қилишди. Ярим ҳимочилар эса аксинча ёмон ўйнашди. Улар ҳимочиларга ердан бе-ришмагани етмагандек, ҳу-жумчиларга ҳам ердан бе-ришмади. Фақат В. Постнов дуруст ўйнади. У тўпни ўз

вақтида ҳужумчиларга ет-казиб бериб, икки марта дар-воза ишонига олинмишга ҳис-са қўшди.

Агар «Пахтакор» ярим ҳи-моя чизигини мустаҳкамлай олса унинг ўйинида ҳужум-корлик ва шиддаткорлик ву-жудга келадди. Ана шунда турнир жадалви бўйлаб юқо-рига кўтарилиши мумкин. Айниқса сафардаги ўйинлар чоғида ҳужумкорлик жуда муҳим. Ҳозирча коллектив-да ана шу шиддаткорлик етишмапти.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама эълонлар реклама

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

23-29 АВГУСТ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИДА

АХЛОҚ-ҲУҚУҚ МАВЗУСИГА БАҒИШЛАБ

ҲУЖЖАТЛИ ВА БАДИИЙ

ФИЛЬМЛАР ТЕМАТИК

НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

ЛИСУНОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА

23-24 августда — ПРОКУРОРЛАР.

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

23-24 августда — ХАВФ-ХАТАР БЎСАҒАСИГАЧА.

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

23-24 августда — ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОР-ТИЛГАН.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

23-24 августда — ҲАҚИҚАТ.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

23-24 августда — ГҲЗАЛЛАР ГҲЗАЛИ.

«ЗУЛМАТДАН — ЕРУҒЛИККА!»

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА

23-27 августда — МУҚАДДАС СУВ.

К. ЕРМАТОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА

24-27 августда — ХУДОЖҲИЛИКНИНГ ҲАЕТИИ

МАНВАЛАРИ.

С. РАҲИМОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА

24-27 августда — ВИЛЬНЮС ГҲЗАЛИ.

«ГҲНЧА» КИНОТЕАТРИДА

24-27 августда — ЭНГ ЧЕККАДАГИ УИ.

ҲАМЗА НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА

24-27 августда — МУҚАДДАС СУВ.

НУКУС КИНОТЕАТРИДА

24-27 августда — МАРИЯ ТАҚДИРИ.

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК МАВЗУСИДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА

25-26 августда — «ЖАННАТГА» ИККИ ҚАДАМ.

28-29 августда — СИРЛИ САЙР.

ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

КИНОТЕАТРИДА

25-28 августда — СИРЛИ САЙР.

28-29 августда — «ЖАННАТГА» ИККИ ҚАДАМ.

ЛИСУНОВ НОМИДАГИ КИНОТЕАТРДА

25-27 августда — ИККИНЧИ БОР ҚРИМДА.

28-31 августда — СЕНИНГ ТИНЧ СОНИНГ.

«ЮБИЛЕЙ» марказий спорт залида

19-28 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ

МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА

БАЛЕТНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Жаҳон, Европа ва Олимпиада чемпиони, СССРда хиз-

мат кўрсатган спорт мастери

Марина ЧЕРКАСОВА

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар

Владимир ЛУЗИН ва Зояра ШОКИРОВ

уч қарра СССР чемпиони

Людмила БАКУНИНА

икки қарра СССР чемпиони, Европа биринчилигининг

бронза медали совриндори Татьяна ВОЙТЮК ва бошқа-

лар қатнашадилар.

Постановкани — СССР халқ артисти, СССР давлат

мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Михаил ГОДЕНКО.

Бош дирижёр — Иосиф ПИЧКАДЗЕ.

Томошалар — 19, 22, 23, 24, 25, 26 сентябрь соат

20.00 да 20, 21, 27, 28 сентябрь соат 17.00 ва 20.00 да

бошланади.

БИЛЕТЛАР «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ

ВА «ЎЗБЕККОНЦЕРТ» КАССАЛАРИДА ХАМДА

РАЙОН КАССИРЛАРИ ТОМОНИДАН СОТИЛМОҚДА.

ОТА-ОНАЛАР ВА

ЎҚУВЧИЛАР

ДИҚҚАТИГА!

28-«ДРУЖБА»

МАГАЗИНИДА

ЧИРОЙЛИ ҚИЛИБ БЕ-

ЗАТИЛГАН — МАКТАБ

ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КА-

ЛЕНДАРИ

СОТИЛМОҚДА

Календарь 1986 йил 1

сентябрдан 1987 йил 1

сентябргача бўлган даврни ас-

еттиради. Календарь Поль-

ша Халқ Республикасида

(Варшава) нашр этилган.

Магазин адреси: Тошкент

шаҳри, Ленин кўчаси, 40-уй.

«ТАШКИНГА» шаҳар ки-

тоб савдоси идораси.

ЛЕНИН РАЙОНИ

ТЕЛЕАТЕЛЕВИЗИОН

ФИЛИАЛИ

(Ленин кўчаси, 73-уй, те-

лефон 58-78-96)

АХОЛИДАН

3-программали репродук-

торлари

РЕМОНТГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Иш тартиби: дам олиш ку-

нисиз, соат 8 дан 20.00 га-

ча.

Тошкент шаҳар «ЗАНГО-

РИ ЭКРАН» ишлаб чи-

қариш бирлашмаси.

«ЮБИЛЕЙ»

МАРКАЗИЙ

СПОРТ ЗАЛИДА

МУЗ УСТИДА

ТЕАТРАЛАШТИРИЛГАН

БАЙРАМ

ЎТКАЗИЛАДИ

24 АВГУСТ СОАТ 10.30 ДА

ПРОГРАММАДА:

РСФСР, Украина етакчи

спортчиларининг ҳамда

Тошкент шаҳридаги фигура-

ли учин болалар пуллик

группалари ўқувчиларининг

чиқишлари.

«ЮБИЛЕЙ» Марказий

спорт зали фойсёнда бол-

ларни фигурали учин пул-

лик группаларига қабул қи-

лиш бўйича консултация

группа ишлайди.

Буфетлар ва «КРИСТАЛЛ»

кафеси сизнинг хизматинг-

изда.

МУЗ УСТИДА ТЕАТ-

РАЛАШТИРИЛГАН БАЙ-

РАМГА МАРҲАМАТ ҚИ-

ЛИНГ!

ТЕЛЕВИЗОР

СТОЛЧАСИ

ТЕЛЕВИЗОР ҚУЙИЛА-

ДИГАН БУ СТОЛЧА ҲАР

ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙ.

УНИ КЕРАКЛИ ТОМОНГА

БЕМАЛОЛ АЙЛАНТИРИБ

ҚУЙИШ МҲМКИН.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ

ЗАВОДИ

АНА ШУНДАЙ СТОЛ-

ЧАНИ ТАЙЕРЛАБ ЧИ-

ҚАРМОҚДА.

Тошкент агрегат заводи.

«СОКОЗТОРРЕКЛАМА»

Бутунтўғриф бirlашмаси-

нинг Ўзбекистон реклама

агентлиги.

МУТАХАССИСЛАР ВА

КИТОБСЕВАРЛАР

ДИҚҚАТИГА!

4-КИТОБ МАГАЗИНИ

капиталистик мамлакатлар

адабиётлари бўлими

қуйидаги адабиётларни

эски камёб китоблар баҳо-

сида харидорлар диққатига

ҳавола қилади:

инглиз ва немис тиллари-

да медицина бўйича;

инглиз, немис тилларида

математика, химия фанлари

бўйича техника луғатлари,

нақд пулга қуйидаги ки-

тоблар сотилади:

инглиз тилида бадний ада-

биётлар: санъат китоблари;

Франция, Италия, Англия,

Испания мамлакатлари бўй-

лаб саҳнат кўрсаткичлари.

Магазин адреси: 700015,

Тошкент шаҳри, Привок-

зальная кўчаси, 12-уй.

«Ташкин» шаҳар китоб

савдоси идораси.

АХОЛИНИ ИШГА

ЖОЙЛАШТИРИШ

БЮРОСИ

ТОШКЕНТ САЕҲАТ ВА

ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРО-

СИГА

туристик поездларда иш-

лаш учун маданий-омавий

тадбирларни ўтказувчилар,

пенсионерлар сафидан врач-

ларни

ИШГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА

РЕКЛАМА БЮРОСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА-

ГИ ТАШКИЛОТЛАР ВА

КОРХОНАЛАРГА

нақд пулсиз ҳисоб-китоб

йўли билан

БАРЧА ТУРДАГИ ФОТО

ИШЛАРИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Адрес: Уста Ширин кў-

часи, 122-уй. Телефонлар:

48-63-92, 18-70-97.

ДИҚҚАТ!

Магистраль иситиш тар-

моқларида ремонт ишлари

олиб борилиши муносабати

билан

25 август соат 10.00 дан

29 август соат 20.00 гача

Ц-26, Ц-27 кварталлари,

Студентлар шаҳарчаси, Ме-

дицина ҳодимлари шаҳарча-

си, Беруний кўчасига

БАКТИНЧА

ИССИҚ СУВ БЕРИШ

ТЎХТАТИЛАДИ

«Таштелосет» корхона-

си.

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат

комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ

БОШҚАРМАСИНИНГ

24-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ